ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan | 2004-yil, 26-mart, 13 (602)-son | Sotuvda narxi erkin

## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 23-24 март кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.**

• Тошкентда Низомий ҳайкали очилди. Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги маданий ҳамкорлик мустақиллик даврида янада кенгайиб, тараққий этиб бормоқда. Пойтахтимизнинг энг сўлим масканларидан бири — Бобур боғи ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетини туташтириб турган майдонда Низомий Ганжавий ҳайкалининг қад кўтариши ана шу яқинликнинг яна бир гўзал белгисидир.

23 март куни Президентлар Ислом Каримов ва Илҳом Алиев мазкур ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этишди.

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг веб-сайтида бугунги кунгача Интернетдан фойдаланувчилар Президент Ислом Каримов асарларининг 10 жилдлик тўплами электрон нусхаси билан танишиш имкониятига эга эди. Шу кунларда бу рўйхат 11-жилд билан тўлдирилди. Бу жилдга давлатимиз раҳбарининг 2002 йил августдан 2003 йил июлгача бўлган даврда Олий Мажлис сессиялари, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий Кенгашлар мажлислари, халқаро учрашувлар ва саммитлар ҳамда тантанали маросимлардаги маърузалари, нутқлари ва чиқишлари киритилган.**

• Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида "Маъмурий ҳуқуқ ва суд иш юритуви" мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди. Тадбир Германиянинг техникавий ҳамкорлик жамияти (GTZ) ва Фридрих Эберт номидаги жамғарма билан ҳамкорликда ташкил этилди.

**• Бокс бўйича Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Афина Олимпиадасига саралаш баҳсларида уч нафар ҳамюртимиз йўлланмани қўлга киритди. Тўлашбой Донийёров (51 кг.), Шерзод Абдураҳмонов (75 кг.) ва Игор Алборовлар (91 кг.) Афинада юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.**

**Шундай қилиб, ҳозирга қадар мамлакатимиз боксчиларида саккизта йўлланма нақд. Яна қўлга киритилиши мумкин бўлган уч йўлланмага Покистонда ўтказиладиган энг сўнгги саралаш мусобақасида кураш олиб борилади.**

XUSUSIYLAHSTIRISH — DAVR TALABI

# ҲАМКОРЛАР ЯНА ЙИҒИЛДИЛАР

**Маълумки, ўтган 2003 йили мамлакатимиз телекоммуникациялар соҳасини давлат тасарруфидан чиқариш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш мақсадида Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси каби халқаро молия институтлари иштирокида давра суҳбати ташкил этилган эди. Унда Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнлари, валюта бозорини эркинлаштириш ва конвертациялаш билан бирга телекоммуникациялар соҳасида қонунчилик ва бошқаришни ахборотлаштириш тизимларини жорий қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилганди.**





**Музокаралар** натижасида халқаро молия институтлари томонидан "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясини хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш, мамлакатимизда халқаро ҳисоб-китоб стандартлари тамойилларига асосланган автоматлаштирилган бошқаришнинг ахборотлаштириш тизимини тайёрлаш ва жорий этиш мақсадида компания бошқариш тизимини ҳамда "Бизнес-дастурини" ишлаб чиқиш лойиҳалари учун техник ёрдам сифатида грантлар ажратилди.

"Ўзбектелеком" АКда бошқаришнинг ахборотлаштириш тизимини ишлаб чиқиш учун Осиё тараққиёт банки томонидан маслаҳатчи сифатида Буюк Британиянинг "Corporate Solutions Limited" компанияси танланиб, 2003 йилнинг 2 сентябридан ушбу лойиҳани амалга ошириш бошланган. Лойиҳа мақсадидан келиб чиққан ҳолда халқаро стандартларга мос бўлган молиявий ҳисоботларни ҳисоб-китоб амалиётларига татбиқ этиш, мавжуд молиявий режалаштириш ва бошқарув ҳисоботлар жараёнларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, корхона фаолиятининг асосий кўрсаткичларини белгилаш, раҳбарият учун стандарт бошқарув ҳисоботларини ҳамда бюджетлаштиришнинг компютер моделини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, корхона раҳбарияти ва бир неча филиалларида информацион бошқариш тизимининг жорий этилишига кўмаклашиш, шу билан бирга, "Ўзбектелеком" АКнинг раҳбар ходимларини юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича ўқув режаларини ишлаб чиқиш ва ўқишини амалга ошириш сингари устувор вазифалар белгиланган.

Хорижий сармоядорларни "Ўзбектелеком" АК молиявий фаолият маълумотлари билан таништириш мақсадида "Price Waterhouse Coopers" компанияси томонидан халқаро стандартларга мос бўлган молиявий ҳисоботлар бўйича компаниянинг 2002 йиллаги молиявий фаолиятининг аудити ўтказилган. 2003 йил натижалари юзасидан ўтказилаётган аудит эса жорий йилнинг май ойида тугаши режалаштирилган.

Бундан ташқари, республика телекоммуникациялар соҳасини давлат тасарруфидан чиқариш ва эркинлаштириш жараёнларини ривожлантириш ҳамда ушбу соҳага хорижий сармоядорлар қизиқишини ошириш мақсадида Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан "Телекоммуникациялар соҳасини бошқариш тизимини яхшилаш" лойиҳасига 800,0 минг АҚШ доллари миқдорида грант ажратилган.

Ушбу ишларнинг давоми сифатида кеча пойтахтимизнинг "Dedeman" меҳмонхонасида "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясида бошқарув ахборот тизимини модернизациялаш" мавзусидаги семинар ўз ишини бошлади. "Ўзбектелеком" АК ва унинг филиалларидан вакиллар йиғилган ушбу семинарда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари М.Маҳмудов, Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси вакили жаноб Мануэл П.Перлас, "Corporate Solutions" директори жаноб Эбби Адҳами ва "Делекон" компаниясининг Марказий Осиё, Украина, Беларус ҳамда Моллова бўйича ҳудудий директори А.Плотниковлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар компаниянинг хусусийлаштириш юзасидан ўтган вақт мобайнида ҳамкорликда амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар хусусида иштирокчиларга атрофлича маълумот беришди. Семинарни "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари А.Эшонхўжаев бошқарди.

Йиғилиш ўз ишини бугун якунлайди.

**У. ЙЎЛДОШЕВ**

**С.НАСЛЕДОВ олган суратлар**

# БАЙРАМ НИШОНЛАНДИ



**"Бухоро Телеком"** филиали ҳамда унинг шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларида узоқ йиллар давомида меҳнат қилган, ҳозирги пайтда эса қарилик гаштини сураётган табаррук отахон ва онахонлар ҳамиша эъзозда. Ўзига хос бу эътибор ва алоҳида ҳурмат Меҳр ва мурувват йилида бир неча бараварга ошгани ҳам айни ҳақиқат.

Гўзаллик ва нафисликка йўғрилган Наврўзнинг илк кунларида ташкил этилган байрам дастурхони атрофига кекса алоқачилар ва меҳнат фахрийларидан 230 киши жамулжам бўлишди. Раҳмон бобо Муқимов, Сайфулла ота Абдуллаев, Ремия опа Бобоева, Ҳайдар бобо Усмонов, Шодмон ака Жумаев сингари меҳнат фахрийлари давра файзига файз киритиб, кўнгилларга ажиб бир хотиржамлик ва хушнудлик бахш этдилар. Баҳорнинг тансиқ таомлари — сумалак, кўк сомса, кўк чучвара ва турфа ширинликлар билан безатилган дастурхон атрофида куй, қўшиқ ҳамда рақс авжига чиқди. Тўпланганлар бир-бирларини Наврўзи олам билан чин дилдан қутладилар, барча-барчага энг самимий тилакларини изҳор этдилар. Кекса алоқачилар ва меҳнат фахрийларига байрам муносабати билан қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Шунингдек, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган 67 нафар фарзандларига Наврўз байрами муносабати билан 402 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.

**Асқар ИСТАМОВ**
**Бухоро вилояти**

ALOQA KORXONALARIDA

# ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

**Почта алоқаси тизимини ривожлантириш, уни жаҳон талаблари даражасига етказиш борасида ташланаётган қадамлар самарали бўлмоқда. Буни биргина "Қашқадарё почтаси" АЖнинг Чироқчи филиали мисолида ҳам кўриш мумкин. Алоқачилар аҳолига кўнгилдагидек почта хизмати кўрсатишиб, олқиш олаптилар. Қатрада қуёш акс этади, деганларидек, филиал фаолияти, унинг фидойи инсонлари ҳақидаги лавҳаларни денгиздан бир томчи дея қабул қиласиз.**

## МЕҲНАТДАН БАХТ ТОПГАН

**Ҳар** соҳанинг ўз жонкуярлари бўлиши шубҳасиздир. Кенжа ака почта алоқаси соҳасида ишлаб кам бўлмади. Ҳурматга ҳам, бахтга ҳам



шу касб туфайли эришди.

Дастлаб ишга келган пайтларини ҳеч эсидан чиқаролмайди. Почта соҳаси оддий кўрингани билан ўзига яраша қийинчилик ва муаммолари ҳам бор экан. Секин-аста шу касбга меҳр қўйди. Ойлар, йиллар давомида тажрибаси ошиб борди. Билмаганларини тортинмасдан сўраб ўрганди. Иш давомида ўзининг билими, имкониятини кўрсатди, ижобий хислатлари билан ҳамкасблари орасида ҳурмат топа олди.

"Қашқадарё почтаси" АЖнинг Чироқчи филиали бошлиғи Кенжа Жуманов ҳузурига келган ҳар бир кишининг сўзларини обдон тинглаб кейин хулоса чиқаради. Топшириқларни бўлим бошлиқларига аниқ ва лўнда тушунтиради. Унинг ижросини ҳам талаб қилади. Шу сабабли кўрсаткичлар бўйича режалар ўз вақтида бажариляпти.

— Чироқчи туманининг ҳудуди катта. Туман марказидан бошлаб барча алоқа бўлимлари ишини назорат қилиб чиқиш учун 850 километрлик масофани босиб ўтишга тўғри келади, — дейди Кенжа ака. — Баъзи бир бўлимларни кўришга фурсатим етмайди. Ишда талабчан ва жонкуяр бўлиш керак. Ҳар бир қадамингдан ходимларинг ўрнак олади. Уларга ғамхўрлик кўрсатилган жойда ўсиш бўлиши тайин. Меҳнати қадр топган рағбатланган ходим эртага бугунгидан кўпроқ, самаралироқ ишлашга ҳаракат қилади. Буни бутун меҳнат фаолиятим давомида англаб етдим.

Ҳа, Кенжа ака айтганидек, қаерда соғлом муҳит яратилса, ўша жойда ўсиш бўлади. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. У кишининг Чироқчи филиали бошлиғи бўлиб ишлаётганига ҳам кўп йиллар бўлди. Шу ўтган давр ичида кўплаб шогирдлар етиштирди. Эндиликда почта алоқаси соҳасининг барча бўлимларида фаолият юритаётган шогирдлар Кенжа ака билан ҳақли равишда фахрланишади. Туғилган кунларида уни табриклашга ёр-биродарлари, ҳамкасблари, шунингдек, фарзанд ва набиралари йиғилганида ҳовли тўлиб кетади. Шундай дамларда кўзларида севинч ёшлари пайдо бўлади. Ҳалол меҳнати, билими, меҳрибонлиги туфайли ҳурмат-эъзозга эришганига шукроналар айтади.

## ЗИЁ МАСКАНИ

**Филиал** ҳудуди бўйича ҳам, почта алоқаси бўлимлари бўйича ҳам воҳада йирик ҳисобланади. Бу ерда 120 нафардан ортиқ ходимлар ишлайди. Айни пайтда туманда 124та қишлоқ мавжуд бўлиб, уларда 270 минг аҳоли истиқомат қилади. Уларга 40та алоқа бўлимлари ва марказий бўлим орқали почта хизмати кўрсатилади. 12183 нусхадаги, 84734160 сўмлик матбуот нашрлари ўз вақтида обуначиларга етказилмоқда.

Филиал газета ва журналлар саралаш бўлими ходимларининг қўли-қўлига тегмайди. Улар кундалик газеталар-



ни қабул қилиб олиш ва саралаш ишларини тез бажаришлари керак. Шунинг учун ҳам бу бўлимда иш кўп бўлади. Бўлим ходими Марҳабо Эшмоновани ҳар доим иш устида учратиш мумкин.

— Асосий ишим газета ва журналларни саралаб почта алоқаси бўлимларига тарқатишдир, — дейди М.Эшмонова. — Кундалик нашрлар, хат-хабар ва пул тўловлари автомашиналар орқали бериб юборилади. Алоқа бўлимлари масофасини яқин қилишда учта машина тинимсиз хизмат қилмоқда.

Бўлимда ишларнинг намунали ташкил этилганини кўриб қалбингиз яйрайди. Ҳар бир бўлим, алоқа бўлимлари, газета ва журналлар номи махсус жойларга алифбо тартиби бўйича жойлаштирилган. Газеталарни жойларга жўнатишда қийинчилик сезилмайди. Саранжом-сариштали жойда файзбарака бўлади, деб бежизга айтишмаган-да.

## ЭЛ ОЛҚИШИ ВОЖИБ

**Чироқчида** қишлоқлар тарқоқ, ҳали ўзлаштирилмаган ерлар, олис қирлар ортида, пурвиқор тоғлар қўйнида жойлашган қишлоқлар, овуллар бисёр.



Кенгликлар, бийдек чўл ястаниб ётган денгизни эслатади.

— Қишнинг изғиринли бўронлари, яхмалакли пайтлари тоғ қишлоқларига почта хизмати кўрсатиш жуда қийинлашади, — дейди филиал бошлиғи ўринбосари Ҳайитмурод Ниёзов. — Нима бўлганда ҳам ўз бурчимизни бажарамиз. Одамларга хат-хабар, газета-журналларни, қарияларга нафақаларини ўз вақтида етказишга ҳаракат қиляпмиз. Филиалимизда ўз касбининг фидойилари талайгина. "Моҳир алоқачи" унвонини олган "Оқчава" почта алоқаси бўлими бошлиғи Қаюм Элмуродов, "Оқтўнли" почта алоқаси бўлими хабарчиси Маҳмадали Алимов, филиал ҳисобчиси Санобар Долиевалар бизнинг фахримиз.



Филиалда биринчи навбатда уруш ва меҳнат фахрийларига, байналминалчи жангчиларга, чернобилчиларга, ногирон ҳамда боқувчисини йўқотганларга хизмат кўрсатилади.

— Почта алоқаси хизматидан мамнунман. Нафақа пулларимни почтачилар уйимга олиб келиб беришади, — дейди каттақишлоқлик отахон Халил бобо Муродов. — Умрлари узоқ бўлсин. Ишларига эса ривож тилайман.

Ҳа, чироқчилик почтачилар эл олқишини олиб меҳнат қиляптилар.

## ФИЛИАЛ ФАХРИ

**Санобар** дастлаб ишга келганида бу жамоага тезда кўникиб кетиш ва ўз ўрнини топишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Асли тиришқоқ эмасми, қисқа фурсат ичида филиал ходимлари билан тил топиша олди. Ҳаракат қилиб, қанча иш ўрганса, шунча яхши бўлишига ўз ҳаёти мисолида гувоҳ бўлди. Баъзилар ҳисобчиликни унчалик ҳам қийин иш деб ҳисоблашмайди. Лекин ҳисоб-китобни тўғри ташкил этиш, ҳар бир рақам устида соатлаб ўтириш кишидан сабр-бардош, ирода, билим талаб этади.

Чироқчига ҳам жаҳон почта тизимининг янги технологиялари кириб келди. Ҳисоб-китоб ишларида ҳам анча ўзгаришлар бўляпти. Илгарилари кўзлар оғриб, чўт қоқишга тўғри келарди. Эндичи? Компютерлар ишнинг унумини таъминлабгина қолмай мушкулимизни ҳам енгиллаштирди.

— Ишимдан нолимайман, устозлар, жамоам кўп ёрдам берган, — дейди Санобар. — Уларнинг кўмаги билан ҳурмату эъзозга эришдим. Меҳнатимни тақдирлашди. "Моҳир алоқачи" унвонини олган куним ҳеч эсимдан чиқмайди. Дунёдаги энг бахтли одам деб ҳисобладим ўзимни. Тошкентдан келсам гуллар билан кутиб олишди. Шарафли касб эгаси эканлигимни таъкидлашиб, унвон билан табриклашди. Хайрият шу ишим, жамоам бор, улар билан боғланиб қолганман. Нимага эришган бўлсам жамоадошларимнинг ҳиссаси бор, албатта.

Санобар Долиева ҳисобчилик соҳасида ишлаётганига кўп вақт бўлган бўлсада, барибир ўқиб-ўрганишга ҳаракат қилади. Баъзида билмаганларини бош ҳисобчи Рашид Исмоиловдан сўрайди. Ҳамкасб эмасми, ҳамкорлик, ўзаро иш ўрганишнинг ҳеч ҳам зиён томони йўқ. Камтаринлик, ўздан катталарни ҳурмат қилиш Санобарга хос хусусият. Шу сабабли филиалда уни барча бирдек ҳурмат қилади.

**Баҳром МУРОДОВ**
**Қашқадарё вилояти**

**Суратларда: 1. Филиал бошлиғи Кенжа ЖУМАНОВ.**

**2. Алоқа инспекцияси йўриқчиси Собир БОБОЕВ, саралаш бўлими ишчиси Марҳабо ЭШОМОНОВА ҳамда обуна бўлими бошлиғи Холиқул БЎРОНОВлар.**

**3.Филиал бошлиғи ўринбосари Ҳайитмурод НИЁЗОВ ва йўриқчи Раҳматилла РЎЗИҚУЛОВлар янги иш режаларини белгилаб олишмоқда.**

**4. Ҳисобчи Санобар ДОЛИЕВА иш устида.**

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

# ТАНҚИДДАН ТЎҒРИ ХУЛОСА ҚИЛИНДИ

***Ўтган йилнинг октябр ойида Ширин шаҳар Сувоқава коммунал хўжалигига қарашли канализация тармоғи қисман ишдан чиққанлиги сабабли трассада ўпирилиш ҳосил бўлганди. Натижада унинг ёнидан ўтган, “Сирдарё Телеком” филиалининг Ширин шаҳар телекоммуникациялар боғламасига тааллуқли бўлган саккизта магистрал канализациянинг алоқа кабеллари авария ҳолатига тушиб қолди.***

**Ушбу** канализацияда шаҳардаги жами кабелларнинг 90 фоизи мавжуд бўлиб, агар мазкур магистрал кабеллар ишдан чиққанида, бутун Ширин шаҳри аҳолиси ва ташкилотлар телефон алоқасидан маҳрум бўлиши мумкин эди. Сирдарё вилояти ДАИ томонидан ушбу вазият ўрганилиб, зудлик билан аварияни бартараф этиш чораларини кўриш учун “Сирдарё Телеком” раҳбариятига икки марта хат юборилди. Аммо, шунга қарамасдан, ҳеч қандай чоралар кўрилмади. 2004 йил, январ ойининг охирларида ушбу авария ҳолати суратга олиниб, чора кўриш учун Давлат алоқа инспекцияси раҳбариятига тақдим этилди. ДАИ раҳбариятининг аралашувидан кейингина “Сирдарё Телеком” филиали лойиҳалаш бўлими томонидан авария ҳолатига етган магистрал канализацияни бошқа жойга кўчиришга киришилди.

Жорий йилнинг 5 февралида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида ўтказилган йиғилишда ҳам ушбу масала кўтарилиб, Агентлик бош директорининг ўринбосари А.Избосаров “Сирдарё Телеком” филиали раҳбариятини мазкур авария ҳолатига бефарқ ва лоқайд муносабатда бўлганликлари учун қаттиқ танқид остига олган ҳамда 2004 йилнинг 20 февралигача аварияни бартараф этиш лозимлигини таъкидлаганди. Шундан сўнг, “Сирдарё Телеком” филиалининг “Алоқасервис” қурилиш бўлими томонидан 10 кишидан иборат бригада тузилиб, лойиҳа бўйича 1 км. магистрал линия қурилди ҳамда иккита кабел қудуғи битказилди. Жорий йилнинг 27 февралида ушбу магистрал кабеллари ишга туширилди. Бу ишларда “Алоқасервис” қурилиш бўлими бригадири Р.Насибуллаев бошчилигидаги ходимлар жонбозлик кўрсатиб, қийин шароитда, яъни эски трассадаги ботқоқликдан магистрал кабелларни суғуриб, янги трассага ўтказиш ишларини олиб боришди. Янги канализацияни ишга тушириш ва магистрал кабелларни улаш жараёнида Ширин шаҳри телекоммуникациялар боғламаси телефон тармоғида узилишлар содир этилмади.

“Сирдарё Телеком” филиали раҳбарияти ўз вақтида ушбу авария ҳолатига чора кўриб, уни бартараф этганида масала республика миқёсида кўтарилмаган бўлар эди. Ўйлаймизки, жойлардаги раҳбарлар бундай ҳолатлардан тўғри хулоса чиқарадилар ва ҳар қандай нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўрадилар.

**Амангелди ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Сирдарё вилояти ДАИ бошлиғи**

## ДИҚҚАТ!

### Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳмонлари диққатига!

*Электромагнит мослашув маркази (ЭМММ) эслатади, 800-900 МГц диапазонда халақитли таъсир юзага келишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар Давлат Комиссияси томонидан СТ 1, СТ 1+ СТ2 стандартлари асосида ишловчи “PANASONIC”, “PANAPHONE”, “BELL” ва бошқа турдаги симсиз телефон аппаратларидан 2004 йил, 1 январидан бошлаб республика ҳудудида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, деб қарор қабул қилинган.*

***Қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:***

*Тошкент ш., – 115, Чилонзор тумани, Қирққиз кўчаси, 10-уй. (катта Қозиробод маҳалласи ичида) тел. 115-22-56.*

*Андижон ш., Чўлпон кўчаси, 5-уй, 49-хонадон, тел. 5-66-50.*

*Бухоро ш., акад. И.Мўминов кўчаси, 2-уй, тел. 23-95-58.*

*Жиззах ш., “Иттифоқ” мкр-н 3/1, 23-уй, 35-хона, тел. 6-53-63.*

*Нукус ш., Ерназар Алакўз кўчаси, АМТС биноси, тел. 24-05-23.*

*Қарши ш., 1-мкр-н, 43-уй, 62-хонадон, тел. 5-22-36.*

*Навоий ш., Халқлар дўстлиги кўчаси, 77а-уй, тел. 3-91-10.*

*Наманган ш., “Марғилон” кўчаси, 8а-уй, 2-корп, 54-хонадон, тел. 6-20-30.*

*Самарқанд ш., Сельский, Колбог п/б, СТРК, тел. 31-22-62.*

*Термиз ш., 5-мкр-н, 1-уй, 16-хонадон, тел. 5-04-16.*

*Гулистон ш., Халқлар дўстлиги кўчаси, 30-уй, тел. 25-44-56.*

*Фарғона ш., Навоий кўчаси, 37-уй, 36-хонадон, тел. 26-49-53.*

*Урганч ш., Анна Герман кўчаси, 9-уй, 84-хонадон, тел. 4-07-45.*

ORAMIZDAGI ODAMLAR

# ЭЗГУ ТАШВИШЛАР БИЛАН

***Инсон умрининг эътиборли, синов дамлари кўп бўлади. Ана шу дамларда омаддан талтаймаган, маълум қийинчиликларни енгиб ўта олган одамларгина ҳурмат, эътибор топа олади.***

***1992 йилнинг баҳори эди. Оддийгина муҳандис вазифасида ишлаётган ёш йигит Нормўмин Норқуловга, баъзиларнинг таъбири билан айтганда, бахт кулиб боқди. Олтинсой тумани почта алоқачилари уни ўзларига бошлиқ этиб сайлашди.***

**Рост** гапни яшириб бўлмайди. Ҳамкасбларидан айримлари унга зимдан, синчковлик билан назар солишди: “Энди ўзгариб, босар-тусарини билмай қолса керак”. Аммо Нормўмин ҳамон доимгидай эди.

Югуриб ойлар, йиллар ўтди. Амалнинг “шираси” унинг бошини айлантиролмади.

2002 йил. Роппа-роса ўн йилдан сўнг Н.Норқулов бошқа ишга ўтадиган бўлди. Ҳамкасблари яна сергакланди. “Амалдан кетиб чўкиб қолса керак”. Йўқ, у чўкиб қолмаслигини вазифасини топшираётган куни билдирди-қўйди: “Ёшларга ҳам йўл очиш керак. Мен бирортангизнинг кўнглингизни қолдирмаган бўлсам, шу етади...”

Нормўмин Норқулов ҳамон доимгидай. Ўзига юклатилган вазифа — “Жиндибулоқ” алоқа бўлими ишига масъулият билан қарайди. Кези келганда бошлиқ, ўриндоши Тоғайназар Йўлдошевдан қимматли маслаҳатларини аямайди. У Нормўмин ака ҳақида “Қанийди, ҳамма шу кишидай бўлса эди”, дея самимият билан тўлиб сўзлайди.

Нормўмин аканинг ғалати, аммо кўпларга ибрат бўларли бир феъли бор. Ҳар куни иш тугагач, эшикни ичкаридан маҳкамлаб олиб, ўзини бироз тергаб олади. Кунлик ишларини сарҳисоб қилади. Мана, бугун ҳам у киши ўзига ўзи ҳисоб бериб ўтириб-ди: “Учта кўзи ожиз нафақахўрга эрталаб нафақа пулини бериб ўтдим. Раҳмон бобонинг таъзиясига кириб, нафақасини Бувиш момога бердим. Эртага Рустам бобо 84 ёшга тўларкан, табриклаб кўнглини кўтариш керак...”

Хуллас, Нормўмин Норқуловнинг иши, меҳнати кўпнинг ташвишига қўшилиб кетган. Бари хайрли ва эзгу ташвишлар.

**Шуҳрат ҚОДИРОВ**
**Сурхондарё вилояти**

## “ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ” АЖнинг МУҲИМ ДАЛИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТИ

### “Тошкент почтамти” АЖнинг 2004 йил, 1 январ ҳолатига бўлган баланси

(минг сўм)

| Актив | | Пассив | |
|---|---|---|---|
| Асосий воситалар (қолдиқ қиймати) | 523207 | Устав капитали | 151775 |
| Номоддий активлар (қолдиқ қиймати) | 10303 | Қўшилган капитал | 14112 |
| | | Резерв капитали | 450797 |
| Уюшма корхоналаридаги акциялар | 165000 | Тақсимланмаган фойда | 45365 |
| Ишлаб чиқариш захиралари | 108488 | Келгуси давр даромадлари | 227016 |
| Олиб сотилган товарлар | 7567 | Узоқ муддатли қарзлар | 19394 |
| Келгуси давр сарфлари | 53338 | Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар | 858014 |
| Пул маблағлари | 1056820 | Кредиторлар | 283792 |
| Ғазнадаги пул маблағлари | 15199 | Мақсадли молия ва тушум | 21747 |
| Дебиторлар | 132090 | | |
| **БАЛАНС** | **2072012** | **БАЛАНС** | **2072012** |

### 2003 йилдаги молиявий натижалар

(минг сўм)

| | |
|---|---|
| Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан олинган тушум | 2038487 |
| Сотишдан олинган соф тушум | 1880206 |
| Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа | 462787 |
| Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси | 102264 |
| Ҳисобот давридаги соф фойда | 45365 |

### “Тошкент почтамти” АЖ қимматбаҳо қоғозларининг 2004 йил, 1 январдаги ҳолати

| **Жорий ҳолати:** | **Жойлаштирилган ҳажми:** |
|---|---|
| Низом жамғармаси | 151775 минг сўм |
| Акциялар сони, жумладан: | 151775 дона |
| — Давлат улуши (оддий, номи ёзилган)<br>акциялар сони | 53501 минг сўм<br>53501 дона |
| — «Ўзбекистон почтаси» ДАК улуши (оддий, номи ёзилган)<br>акциялар сони | 60330 минг сўм<br>60330 дона |
| — «Алоқабанк» улуши (оддий, номи ёзилган)<br>акциялар сони | 22767 минг сўм<br>22767 дона |
| — Меҳнат жамоасининг улуши (имтиёзли, номи ёзилган)<br>акциялар сони | 15177 минг сўм<br>15177 дона |
| Акцияларнинг номинал қиймати | 1000 сўм |

## спрос СНИЖАЕТСЯ



**Объем** поставок мобильных телефонов в Японии в январе 2004 года сократился впервые за последние пятнадцать месяцев в результате снижения спроса, удовлетворенного в течение предновогодних продаж, сообщила Японская ассоциация производителей электроники (JEITA).

По данным JEITA, поставки мобильников в Японии в январе 2004 года сократились на 22,3% (до 2,98 млн.ед.) по сравнению с январем 2003 года. В декабре 2003 года было поставлено 4,71 млн. сотовых телефонов.

***Источник: http://cnews.ru***

## БУДЕТ ПРОДАНО 580 МЛН. ШТУК



**Мировые** продажи мобильных телефонов могут в 2004 году превысить сделанные ранее прогнозы после подведения итогов 2003 года, когда количество проданных аппаратов также превзошло ожидания экспертов. Об этом свидетельствуют данные обнародованного недавно исследования.

Продажи сотовых телефонов, рынок которых является крупнейшим среди рынков электроники и оценивается в $100 млрд. в год, достигли 520 млн. в 2003 году. Аналитики Gartner ожидают, что в 2004 году будет продано 580 млн. телефонов. «Количество людей, решивших сменить свои аппараты, резко выросло. Спрос на развивающихся рынках также превысил все ожидания», - заявил аналитик Gartner Бен Вуд. По его словам, некоторые гиганты сектора, такие, как Sony Ericsson и Motorola, недооценившие потребности клиентов, не смогли в полной мере обеспечить рынок товарами.

***Источник: http://cnews.ru***

**МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ**

## «ГЕНЕРАТОР АЛИБИ»



**Неверные** супруги и ленивые работники получили в свое распоряжение весьма убедительное «звуковое алиби»: немецкая компания Simeda изобрела специальное приложение для мобильников, которое может проигрывать различные фоновые звуки во время разговора.

В бесплатной демо-версии программы Sounder Cover пользователям доступны лишь девять звуков. Можно сделать вид, что вы находитесь в автомобильной пробке, у зубного врача, на уличном параде или попали в грозу. Полная версия включает большее количество звуков, позволяет добавлять собственные записи или скачивать их из интернета. Кроме того, в отличие от бесплатной версии, звуки проигрываются непрерывно, что позволяет не ограничивать время разговора. Стоит полная версия •9,95.

***Источник: http://www.cnews.ru***

## свой ДОМЕН

**Группа** компаний, в число которых вошли Microsoft, Nokia, Vodafone, Orange, Samsung, Sun, 3, Ассоциация GSM и HP, приняла решение объединить усилия и добиться от ICANN регистрации домена верхнего уровня для обслуживания мобильной связи. Предположительно новый домен будет нести обозначение .mobile. Официальные лица компаний, вошедших в группу, на конференции, посвященной данному событию, объявили, что заявка в ICANN будет подана в марте этого года, а окончательное решение по данному вопросу будет принято регистрирующей организацией примерно через полгода. В случае успеха, первые сайты появятся в новой доменной зоне уже в начале следующего года.

***Источник:http://www.sf-online.ru***

## НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

### ГКРЧ РОССИИ УПРОСТИЛА ПОРЯДОК РЕГИСТРАЦИИ МАЛЫХ VSAT-СТАНЦИЙ

**Государственная** комиссия по радиочастотам (ГКРЧ) приняла решение об упрощенном, уведомительном порядке регистрации малых станций спутниковой связи VSAT. Несколько лет назад стоимость самой станции составляла $50 тыс., а получение разрешительной документации на ее использование - $5 тыс. В настоящее время цена станции составляет $2,5-4 тыс., при том, что стоимость разрешительных процедур осталась неизменной.

С принятием указанного решения, стоимость регистрации снизится с $5 тыс. до $50. Изменение процедуры регистрации позволит резко увеличить количество станций VSAT, с 2,5 тыс. на сегодняшний день - до 5 тыс. к концу 2004 г., и до 20-25 тыс. в течение ближайших двух лет. Кроме того, это позволит развиваться бизнесу по производству VSAT-станций и поспособствует расширению набора услуг, которые предоставляют эти станции.

### ЗАКОН ОБ УТИЛИЗАЦИИ МОБИЛЬНИКОВ



**Члены** Калифорнийской ассамблеи штата представили на рассмотрение законодательных органов Калифорнии проект закона об утилизации устаревших мобильных телефонов. Если законопроект примут, он станет самым строгим законом об утилизации телефонов в США.

Согласно документу, от производителей мобильников потребуют сообщать властям о составе опасных для природы материалов и планах по безопасной утилизации, так как почти 45 тысяч телефонов выбрасывают каждый день в Калифорнии в мусорные баки. Их платы содержат множество токсинов, таких, как мышьяк, свинец, ртуть, многие из которых не перерабатываются и накапливаются в природе, а затем попадают в воду и атмосферу. Это серьезная угроза здоровью и природе.

***По материалам INTERNET***


## СООБЩЕНИЕ

**Вниманию акционеров ЗАО "O‘ZIMPEKSALOQA"!**

Годовое общее собрание акционеров **ЗАО "O‘ZIMPEKSALOQA"** состоится 15 аперля 2004 года. в 11.00 часов. по адресу: г.Ташкент, ул. А.Темура, 24 (7-й этаж).

**ПОВЕСТКА ДНЯ:**

1. Утверждение отчета исполнительного органа о результатах финансово-хозяйственной деятельности **ЗАО "O‘ZIMPEKSALOQA"**, итогах выполнения бизнес-плана за 2003 год и задачах на 2004 год;
2. Утверждение решения о проведении аудиторской проверки по итогам 2003 года аудиторской организацией "AUDIT STANDART" и предельного размера оплаты ее услуг;
3. Утверждение заключения аудиторской организации по итогам проверки финасовой отчетности **ЗАО "O‘ZIMPEKSALOQA"** за 2003 год;
4. Утверждение заключения Ревизионной комиссии по итогам проверки финансово-хозяйственной деятельности **ЗАО "O‘ZIMPEKSALOQA"** за 2003 год;
5. Утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса, счетов прибылей и убытков **ЗАО "O‘ZIMPEKSALOQA"** за 2003 год;
6. Утверждение распределения чистой прибыли **ЗАО "O‘ZIMPEKSALOQA"** за 2003 год, порядок и сроки выплаты годовых дивидендов;
7. Утверждение отчета об итогах деятельности Наблюдательного совета за 2003 год;
8. Избрание членов Наблюдательного совета **ЗАО "O‘ZIMPEKSALOQA"** на 2004 год;
9. Избрание исполнительного органа **ЗАО "O‘ZIMPEKSALOQA"** на 2004 год;
10. Принятие решения об определении аудиторской организации на 2004 год и предельном размере оплаты ее услуг;
11. Утверждение бизнес-плана **ЗАО "O‘ZIMPEKSALOQA"** на 2004 год.

***Список акционеров, имеющих прово на участие и голосование на очередном годовом общем собрании акционеров ЗАО "O‘ZIMPEKSALOQA", составлен по состоянию на 16 марта 2004 года, реестр акционеров закрыт по состоянию на 16 марта 2004 года.***

***Регистрация акционеров производится с 9-30 до 11.00 часов. Акционерам иметь при себе сертификат и паспорт, а представителям акционеров – сертификат, доверенность и паспорт.***

По вопросам организации и проведения общего собрания акционеров, а также ознокомления со всеми материалами, подлежащими предоставлению акционерам при подготовке собрания, обращаться по адресу: **г.Ташкент, ул. А.Темура, 24 (7-й этаж). Телефон: 136-37-73.**



## ВНИМАНИЕ!

**УВАЖАЕМЫЕ ЖИТЕЛИ И ГОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН!**

**Центр электромагнитной совместимости** напоминает, что в целях исключения возникновения помеховой обстановки в диапазоне 800-900 МГц Государственной комиссией по радиочастотам Республики Узбекистан принято Решение о нецелесообразности использования на территории республики с 01.01.2004 года бесшнуровых телефонных аппаратов на основе стандартов СТ1, СТ1+, СТ2 типа "PANASONIC", "PANAPHONE", "BELL" и других.

**Для получения дополнительных справок просим обращаться по нижеследующим адресам:**

г. Ташкент, 115, Чиланзарский р-н, ул Кириккиз, дом 10
(ориентир: махалля Козиробод), тел. 115-22-56;
г. Андижан, ул. Чулпон, дом 5, кв. 49, тел. 5-66-50;
г. Бухара, ул. акад. И.Муминова, кв. 2, тел. 23-95-58;
г. Жиззах, ул. "Иттифок", мкр-н 3/1, дом 23, кв 35, тел. 6-53-63;
г. Нукус, ул. Ерназар Алакуз, здание АМТС, тел. 24-05-23;
г. Карши, 1 мкр-н, дом 43, кв. 62, тел. 5-22-36;
г. Навои, ул. Халклар дустлиги, дом 77а, тел. 3-91-10;
г. Наманган, ул. Маргилон, 8а. корп. 2, кв 54, тел. 6-20-30;
г. Самарканд сельский, п/о Колбог, СТРК, тел. 31-22-62;
г. Термез, 5-й мкр-н, дом1, кв. 16, тел. 5-04-16;
г. Гулистан, ул. Халклар дустлиги, дом 30, тел. 25-44-56;
г.Фергана, ул. Навои, дом 37, кв. 36, тел. 26-49-53;
г.Ургенч, ул. Анны Герман, дом 9, кв. 84, тел. 4-07-45.



**УЗБЕКСКОЕ АГЕНТСТВО СВЯЗИ И ИНФОРМАТИЗАЦИИ ОБЪЯВЛЯЕТ**

## КОНКУРС

**На проведение** мониторинга действующих нормативных документов сферы связи и информатизации в 2004 году.

Для участия в конкурсе приглашаются юридические лица сферы связи и информатизации, независимо от формы собственности, имеющие научный и профессиональный потенциал, опыт, наличие необходимых трудовых ресурсов и материально-технической базы.

**Срок подачи заявок на участие с 29.03. по 01.04.2004 г. апреля текущего года.**

Определение победителя конкурса - **5.04.2004г.**

Ознакомление с перечнем документов, подлежащих мониторингу, и прием заявок на участие в конкурсе с прилагаемыми документами осуществляются по адресу:

**700011, г.Ташкент, ул. А.Навои, 28-а, ком.11. Телефоны: 138-41-14, 138-41-69, факс: 139-87-92.**

IQTISODIY SAVODXONLIK

# ИҚТИСОДИЙ АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ

(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)

**Комиссия (комиссия, club, commission, fee)** — Комиссия, воситачилик, сайланган гуруҳ.

**Коммивояжер (коммивояжер, commercial traveller, salesman)** — Мижоз талабига кўра харидорни қидирувчи таъминотчи, воситачи.

**Комиссион операция (комиссионная операция, commission operations)** — Комиссионер ва комитент ўртасида бажариладиган операциялар. Комиссионер воситачилик фаолияти учун комиссион ҳақ олади.

**Комиссион рағбатлантириш (комиссионные вознаграждения, brokerage, commission)** — Бошқа шахснинг топшириғига кўра бир шахсни хизмати учун рағбатлантириш.

**Комиссион чегириш (комиссионные отчисления, commissions)** — Кичик корхона томонидан улгуржи савдода товарни тарғиб қилувчига бериладиган баҳо чегирмаси (арзон баҳода сотиш).

**Комиссионер (комиссионер, broker commissionaire)** — Пулли хизмат кўрсатиш, иш бажариш бўйича шартномада кўрсатилган бир томон.

**Коммуникатив малака (квалификация, qualification)** — Бошқа кишиларни тўғри тушуниш ва улар билан самарали фаолият олиб бориш учун зарур бўлган маҳорат.

**Комитент (комитент, consignor, client, principal)** — Комиссия шартномасидаги бир томон. Бошқа томонга (комиссионерга) битимларни бажаришни топширади.

**Коммуникатор (коммуникатор, communicator)** — Маълумотни жўнатувчи, муомаладаги фаол субъект.

**Коммуникация (коммуникация, communication)** — Алоқа муносабат акти, икки ва ундан ортиқ индивид ўртасидаги алоқа.

**Компания (компания, company, enterprise)** — Бирлашма, компания; тадбиркорларнинг савдо, саноат, транспорт, суғурта бирлашмалари.

**Компенсацион битим (компенсационная сделка, bargain, business, deal)** — Компенсация битими, келишуви. У ёки бу шаклда контрагентлар манфаатини ўзаро таъминлаш ёки ўзаро товар етказиб бериш. Бунда белгиланган қийматдаги товарларни бошқа товар ёки хизматларга айирбошлаш амалга оширилади.

**Компенсация (компенсация, compensation)** — Қоплаш, рағбатлантириш ёки бир мажбурият тўловини иккинчиси билан тўлаш; бирор нарса учун тўланадиган пул, ҳақ, товон, бадал.

**Компетенция (компетенция, ability, attribution capacity)** — Ваколат, ҳуқуқ доираси.

**Конвенцион бож (конвенционная пошлина, conventional tariff)** — Давлатлар ўртасида шартнома ёки битимга кўра белгиланган бож тўловлари.

**Конвенция (конвенция, concord, convention)** — Халқаро битим тури. Бу термин халқаро почта, радиотелеграф алоқалари, божхона масалаларига оид битимларда қўлланилади.

**Конвергенция (конвергенция, convergence)** — 1). Маркетингда талаб характерига кўра бозорнинг турли бўғинларининг бир-бирига уйғунлашиб бориши; 2). Биржада баҳоларнинг ҳақиқий баҳоларга ва фючерс шартномаларига кўра уйғунлашиши.

**Конвертацион жараён (конвертационный процесс, convertaion process)** — Материалларнинг товар ва хизматларга айланиши бўйича ҳаракатининг давом этиши (ҳаракатлар шаклланиши, натижалар).

**Конвертацион маркетинг (конвертационный маркетинг, convertaion marketing)** — Товар ва хизматларга бўлмаган талабнинг юзага келишига таъсир этувчи маркетинг тури. 1). Олдин чиқарилган заём шартларини ўзгартириш; 2). Бир компаниядаги акция ва облигацияларни алмаштириш.

(Давоми бор.)

QILMISH-QIDIRMISH

# МАНИ НАФСИМ БАЛОДУР...

***Халқимизда "Олғирлик одат келтирар, баднафслик — ҳалокат" деган бир нақл бор. Афсуски, бу нақлни эшитмаган ноинсоф, текинхўр, таъмагир ва нафс бандалари орамизда ҳали ҳам учраб турибди. Уларнинг ўйламай қилган ишлари бошларига ташвиш келтирди.***

**Орашкул** Джабаева ҳамда Ботагоз Нарматовалар "Тошкент почтаси" АЖнинг Қибрай филиалига қарашли Қибрай алоқа бўлимида масъул лавозимларда ишлаб келишган. Улар гўёки ҳеч ким билмайди, деб ўйлаб, антиқа режа тузишади. Режага биноан тўрт-беш сўм пул ишлаб олиш мақсадида Қибрай шаҳарчаси, Ибрат кўчаси, 134-уйда яшаб келган, ҳар ойда 5500 сўм қарилик нафақасини олувчи Гайт Мариянинг 2000 йил, 8 апрел куни доимий яшаш жойидан рўйхатдан ўчирилиб, Германия давлатига кўчиб кетганига қарамай, 2000 йил давомида 63196 сўм 50 тийин, 2001 йил давомида 76919 сўм 50 тийин, 2002 йил давомида 8392 сўм 10 тийин, жами 148508 сўм 10 тийинни ҳисоботдан чиқаришиб, ҳақалак отган нафслари учун ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборишади.

"Эгри иш эллик йилдан кейин ҳам эланар", дейди доно халқимиз. Эланган пайтда сараги саракка, пучаги пучакка чиқиб қолади. О.Джабаева ҳамда Б.Нарматоваларнинг хом хаёлларга берилиб ўйлаган режаси барбод бўлди. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди деганларидек, уларнинг қилмишлари фош бўлди. Шундан сўнг улар 148508 сўм 10 тийинни қайтариб беришга мажбур бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси, 2-қисмининг "в", "г" бандлари билан айбланган О.Джабаева ҳамда Б.Нарматоваларга оид жиноят иши Президентимизнинг 2003 йил, 1 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармонининг 5-моддасига асосан, айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай тугатилди.

Улар қилмишларига яраша жазо олишлари мумкин эди. Аммо юртбошимизнинг бағрикенглиги ва ғамхўрлиги туфайли амнистия тўғрисидаги Фармон қўлланди. Бундан эса тўғри хулоса чиқармоқ лозим.

**Рустам АКБАРОВ,**
**Қибрай тумани жиноят ишлари бўйича суд раиси,**
**Хонбиби ҲИММАТ қизи,**
**журналист**

TO'YXAT O'RNIDA

# ДИЛДА ТУҒЁН БЎЛСА БАС...

**Абдуназар аканинг болалиги Жондор туманидаги баҳаво қишлоқларнинг бирида ўтган. Эл-юртга фойдаси тегадиган жўшқин меҳнатга бўлган кучли иштиёқ унинг қалбида ўша олис болалик ва ўсмирлик йилларидаёқ уйғонган бўлса ажабмас.**

**Абдуназар Давронов** ўрта мактабни битиргач, Тошкент электротехника алоқа институти (ҳозирги ТАТУ)нинг автоматик электралоқа факултетига ўқишга кирди. Институтни битиргач Жондор тумани линия-техника цехида муҳандис бўлиб ишлади. Шу орада йигитлик бурчини ҳам ўтаб қайтди. Абдуназар аканинг таржимаи ҳоли билан яқиндан танишган киши унинг дастлаб Бухоро шаҳар почтамтида, сўнг шаҳар алоқа боғламасида бош муҳандис, кейинчалик, роппа-роса ўн икки йил давомида ҳозирги Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг бошлиғи вазифасида меҳнат қилганига гувоҳ бўлади. А.Давронов вилоят электралоқа ишлаб чиқариш давлат корхонаси (ҳозирги "Бухоро Телеком" филиали) бошлиғининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатганида ҳам ўзидаги ишчанлик ва ташкилотчилик хислатларини тўла намоён эта олган. Хуллас, у қаерда ва ким бўлиб ишлашидан қатъи назар меҳнатсеварлик ва софдилликни, ростгўйлик ва ҳалолликни ўз умри ва меҳнат фаолиятининг бош мезони деб билди. Зотан, айнан ана шундай инсоний фазилатларга эга бўлишни раҳматли ота-онаси Амин бобо ва Бахшанд ая унга қайта-қайта уқтиришган.



Шуларни ўйлаганида Абдуназар ака беихтиёр яна хаёлга толади. Оиладаги соғлом муҳит ҳар қандай киши ҳаётида ниҳоятда муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлайди.

Белгиланган вазифаларнинг рисоладагидек бажарилиши у ёки бу корхонага, ишлаб чиқариш жабҳасига бошчилик қилаётган раҳбарга, таъбир жоиз бўлса, аҳил оила сардорига кўп жиҳатдан боғлиқ. Абдуназар Давронов Бухоро шаҳар алоқа боғламасига (ҳозирги шаҳар телекоммуникациялар боғламаси) бошчилик қилган даврида Жанубий Кореянинг ДЭУ компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ, бутун мамлакатимизда бўлганидек, Бухоро вилояти алоқа тизимида ҳам янгиланиш ва ўзгаришлар сари дадил қадамлар ташлана бошланди. Бухоро шаҳридаги мавжуд линия-кабел хўжаликлари бирма-бир таъмирдан чиқарилиб, 40 мингга яқин телефон рақамли телефон станцияларига уланди. 3, 4 ва 5-АТСлардаги барча техник жиҳозлар янгилари билан алмаштирилди. Ана шу муҳим янгиланиш жараёнида Абдуназар аканинг ўзига яраша ўрни бор, албатта. У ўша кунларни эсга олиб, ҳозирги пайтда алоқа соҳасининг турли бўғинларида фаолият кўрсатаётган ишчан ҳамкасблари – Тоҳир ва Шокир Денисовлар, Наим Раҳмонов, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқа ходими Идрис Абдуллаевлар номини мамнуният билан тилга олади.

— Бу йигитларнинг фидокорона иш олиб борганликлари таҳсинга сазовор бўлган эди ўшанда, — дейди у.

Юқорида эслатганимиздек, Абдуназар Давронов маълум муддат Бухоро давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаганида OECF лойиҳаси бўйича вилоят ҳудудида умумий узунлиги 200 километрдан ортиқ бўлган оптик толали кабелни ётқизиш ишларига ҳам раҳбарлик қилган. Унинг қатъиятлилиги ва шижоатлилиги билан бу муҳим иш қисқа вақт ичида тўлиқ бажарилди.

2001 йилнинг июл ойида "Бухоро Телеком" филиалига қарашли "Авто-алоқа сервис" цехи ташкил этилди ва А.Давронов ана шу корхонага бошчилик қила бошлади. Ҳозирда корхонанинг 70та енгил ва юк автомашиналари шаҳар ва туманлардаги телекоммуникациялар боғламаларига сифатли транспорт хизмати кўрсатмоқда. Корхонанинг меҳнат муҳофазаси, техника ва йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутасаддиси Михаил Элнатанов, моҳир ҳайдовчилар Абдулла Каттаев, Қурбон Хидиров, Фармон Исматов, қолаверса, кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган мотор таъмирловчиси Тошпўлат Жумаев, ишчан механик Жума Қўчқоров ва бошқалар ҳам ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, ҳурматга сазовор бўлишмоқда.

Абдуназар ака етакчилигидаги меҳнат жамоаси ёнғин хавфсизлиги бўйича вилоят миқёсида ўтказиб туриладиган ойликларда фаол иштирок этадилар. Машина-механизмлар ва транспорт воситаларини техник қаровдан ўз вақтида ўтказишда ҳам улар пешқадам. Ёқилғидан тежаб-тергаб фойдаланиш, транспорт воситаларининг техник жиҳатдан доимий равишда соз бўлишига эришиш, алоқачиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифатини ошириш "Авто-алоқа сервис" цехи меҳнат жамоасининг кундалик шиорига айланган.

Бу йилги баҳор Абдуназар Давронов учун ўзгача қувонч келтирди. Чунки у оила аъзолари, ёр-дўстлари, қадрдон ҳамкасблари даврасида ўзининг 50 ёшини қаршиламоқда. Биз ҳам уни ана шу қутлуғ сана билан табриклаб, сиҳат-саломатлик, узоқ умр, келгуси ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Асқар ИСТАМОВ**
**Бухоро вилояти**

KUTILMAGAN MEHMON

# ФЕРНАНДО КОЛУНГА: “МАТБУОТГА МУНОСАБАТИМ ЁМОН ЭМАС”

***Сир эмаски, телеэкран мухлисларининг аксариятини сериал ихлосмандлари ташкил этади. Лотин Америкаси, хусусан, Мексикада яратилган сериаллар мамлакатимизда кўплаб намойиш этилаётгани бежиз эмас. Бунинг ўзига яраша сабаблари ҳам бор. Вероника Кастро, Виктория Руффо, Талия, Эдуардо Янес, Адела Нориега, Летисия Калдерон, Фернандо Колунга каби мексикалик сериал юлдузлари бутун дунёда ўз мухлисларини топиб улгуришган. “Эсмералда” сериалидаги Хосе Армандо роли орқали ҳаммамизга таниш бўлган Фернандо Колунга — бугунги ҳикоямиз қаҳрамони.***

**Фернандо Колунга Оливарес** 1966 йилнинг 3 мартида мехиколик Фернандо Колунга ва Маргарита Оливареслар оиласида таваллуд топган. **У маълумоти бўйича муҳандис, бироқ ҳеч қачон ўз касби бўйича фаолият юритмаган.** Фернандо айни дамда Мексиканинг энг машҳур актёрларидан бирига айланган.

Университетда ўқиётган Фернандо кунларнинг бирида ўзини кўпроқ актёрларга ўхшатишларини эшитиб қолади. Шунда бўлғуси муҳандисда актёрликка ҳавас уйғонган бўлса ажабмас. Бу борада истеъдодини синаб кўришга аҳд қилган Фернандонинг омади чопди ва унга рол беришади. Шу тарзда фаолиятини илк бор театрда бошлаган қаҳрамонимиз ҳозир ҳам турли спектаклларда образлар яратмоқда. Умуман олганда, у айнан театрда ишлашни ёқтиради. Аввалига “Мария Мерседес” (Maria Mercedes, 1992), “Маримар” (Marimar, 1994) ва “Алондра” (Alondra, 1995) теленовеллаларида кичик ролларни ижро этган актёр кейинчалик “Қишлоқлик Мария” (Талия билан) ва “Эсмералда” (Летисия Калдерон билан) сериалларида бош ролларни маромига етказиб ижро этди. Венесуэлалик актриса Габриэла Спаник билан “Шуҳратпараст аёл” филмида ижро этган роли уни машҳурлик шоҳсупасига олиб чиқди. **Фернандо “Қишлоқлик Мария”ни суратга олиш жараёнида аллақачон юлдуз даражасига етишиб улгурган Талия билан танишади ва актрисани ақлдан озиш даражасида севиб қолади.** Талия ҳам унинг муҳаббатига ижобий жавоб беради, аммо улар ўртасидаги севги ришталари тез орада узилади. Бундан қаттиқ изтиробга тушган актёр бор аламини ишдан олди. У “Шуҳратпараст аёл” сериалидаги ўз қаҳрамони — Карлос Даниэл образини шундай моҳирона очиб бердики, натижада танқидчилар олқишига сазовор бўлди. Шунинг учун Фернандога, хоҳ кино, хоҳ сериал ёки театрда рол ўйнамасин, Карлос Даниэл Брачо характери ҳамон яқиндир.

Кейинчалик Фернандо Эдит Гонсалес билан “Ҳеч қачон сени унутмайман” теленовелласида бош қаҳрамон образини яратди. 2000 йилда Арасел Арамбул билан бирга суратга тушган “Мени маҳкамроқ қуч” сериали эса катта муваффақият қозонди ва Фернандо “Йилнинг энг яхши теленовелла актёри”, филм эса “Йилнинг энг яхши теленовелласи” мукофотига муносиб топилди. 2001 йилнинг декабрида у “Рождество давом этади” номли кичик эртак-сериалда қатнашди. Кейинроқ Карл Эстрада таклифига биноан “Ҳақиқий муҳаббат” теленовелласида “Гвадалупе” ҳамда “Мария Исабел” сериалларида бош ролларни ижро этган таниқли актриса Адела Нориега билан ҳамкорликда суратга тушди. Бу ҳар иккала сериал ҳам шов-шувга сабаб бўлди. Актёр яна бир қанча филмларда ўз истеъдодини намойиш этди.

**Аммо шунчалик омадли ва истеъдодли, кўркам ва хушбичим, бунинг устига ичмай-чекмай спорт билан шуғулланадиган бу актёрнинг ҳамон ёлғизлиги ажабланарлидир.** Нима, у Талияни унутолмайдими? Йўқ, Фернандо бу ҳақда ўйламайди ҳам, у шунчаки, барчамиз сингари ўзига муносиб ёр изламоқда, холос. Яқиндагина уни қандайдир малласоч билан кўришгани ҳақида гап-сўзлар тарқалганди, лекин актёрнинг ўзи ҳали сукутда. Чунки у шахсий ҳаёти тўғрисида гапиришни умуман ёқтирмайди. Унинг фикрича, шахсият муқаддас тушунчадир. Бизнингча ҳам бу тўғридир. Ижод борасида бўлса, марҳамат.






“Мени маҳкамроқ қуч” теленовелласи суратга олинганидан сўнг Фернандо маълум муддат экран ва матбуотда кўринмай қолди. Аммо “Семиз ва ориқ” дастури репортёрлари уни барибир топишди. Уларга актёр яхшигина ҳақ тўлаш эвазига турли енгил-елпи кўнгилочар дастурлардан таклифлар тушаётганини, бироқ ҳақиқий мухлисларини ранжитмаслик учун бунга унамаганини айтган. **Янгиликка ўч журналистлар Фернандони таъқиб этишдан бир зумга ҳам тўхташмайди, лекин уни “қўлга тушириш” осон эмас. Актёр матбуотчилардан узоқроқ юришининг ўзига яраша сабаблари бор, албатта.** “Менинг матбуотга бўлган муносабатим ёмон эмас, — дейди Фернандо. — Илтимос қилишганида доим интервю бераман, ҳеч қачон йўқ демайман. Бироқ кимнингдир ўйлаб топган уйдирмаси ёки жуда ҳам шахсий ишларим ҳақида сўрашса жавоб бермайман. Ўйлайманки, сени кимки ҳурмат қилса, сен ҳам унга шундай жавоб беришинг керак. **Агар биз бир-биримизни ҳурмат қилмасак, яхшиси ўз уйимизда тинчгина ўтирганимиз маъқул”.**

XIX аср воқеаларидан ҳикоя қилувчи “Ҳақиқий муҳаббат” (Amor Real) теленовелласи борасида гап кетганида Фернандо (актёр бу сериалда Мануэл образини маромига етказиб ижро этган эди) узун бакенбарди ва ўзининг янги “ҳақиқий муҳаббати” ҳақида аниқлик ва қувноқлик билан сўзлайди. У теленовелла оламига — ўз оиласига қайтганидан жуда хурсанд. Чунки актёрлар ва “Телевиза” телекомпаниясининг техник ходимларидан иборат жамоа Фернандонинг ҳақиқий оиласи ҳисобланади. **“Актёрлик фаолиятим 15 йил аввал бошланган ва бу давр ичида жуда ҳам гўзал лаҳзаларни ушбу ажойиб инсонлар билан бирга ўтказдим”,** — дейди актёр самимий жилмайиб.

Барчада бўлганидек, Фернандонинг ҳам ўзига яраша хоббилари бор. Мотоцикллар унинг жону дили, аммо у кўпроқ пойга машиналарига қизиқади. Актёр ўзининг биринчи машинасини барда ишлаб топган пулига сотиб олган эди. Шу билан бирга, спортнинг сузиш, мотопойга ҳамда каратэ турлари билан шуғулланади. Композиторлар Вивалди ва Моцарт куйларини тинглашни, театр ҳақидаги адабиётларни ўқишни хуш кўради. Адабий қаҳрамони — Сирано де Бержерак. Ёқтирган жойи — Кариб ороллари, севимли таоми — пицца. Ротвейлери Тиара ва Макс лақабли афғон тозиси доимо у билан бирга.

Минглаб мухлислар юрагини забт этган қаҳрамонимиз ҳамон изланишда. Олдинда ҳали забт этилмаган довонлар, нурли чўққилар турибди. Санъатнинг машаққатли ва шарафли йўлида унга ижодий парвозлар тилаймиз.

**Усмон ЙЎЛДОШ тайёрлади**

G`AROYIB IXTIROLAR

## КОМПЮТЕР КЎЗ

**Япон** муҳандислари яратган қурилма поезд йўлларида турли кўнгилсиз ҳодисалар, тўқнашувлар олдини олишга жуда катта ёрдам беради. Қурилма инфрақизил нурда ишлайдиган камерадан иборат бўлиб, тунда ҳам кўриш имконини берибгина қолмай, йўлда турган бир километр узоқликдаги одамлар, ҳайвонлар, машиналар, хуллас, ҳарорати бўйича ҳаводан 0,15 даража фарқ қиладиган жамики нарсалар тасвирини локомотивнинг олдинги ойнасига чизади.

Муаллифлар фикрича, бу янгилик Япония темир йўлларидаги тўқнашувларга мутлақо барҳам беради. Ахир мамлакат темир йўлларида йилига камида 200га яқин фожиа рўй беради-да.

## ЕЛИМ ФАҚАТ ҒИШТ УЧУН

**Голландиялик** мутахассислар энди ғишт учун ҳам елим ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. У ғиштни цементга қараганда жуда мустаҳкам ушлайди. Натижада девор ўта мустаҳкам бўлиб, ғишт терувчиларнинг иши эса янада енгиллашади, яъни одатдаги ғишт теришда цемент қоришма қатлами 1 сантиметрдан кам бўлмасди, бироқ янги усулда елимнинг қалинлиги атиги 2 миллиметр бўлса бас.

## СУВ ОСТИДА ОМБОР

**Япониядаги** Сива кўли йил давомида ҳарорати ўзгармайдиган муздек суви билан машҳурдир. Мутахассислар кўл тубида гуруч сақлаш учун омбор қуришга қарор қилишди. Уларнинг фикрича, пластик қопларга солинган гуруч кўл тубида уч йилгача бузилмай сақланар экан.

## УЙДА ЧИҚИНДИ ЗАВОДИ

**Англиялик** Билл Смит ихчам машина ихтиро қилди. Бу “Пакмастер” деб номланган машинада турли уй-рўзғор чиқиндиларини пресслаш, ҳатто шиша идишларни ҳам майдалаш мумкин. Унинг катталиги музлатгичдек келади.

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги**

**Бош муҳаррир:**
**Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Иззат АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал* — t.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манзилимиз:** 700000, Тошкент-35, А.Толстой кўчаси, 1-уй.
**Тел.:** 136-35-29. **Факс:** 136-36-42. **E-mail:** *orif@infonet.uz.*
Нашр кўрсаткичи — 227; 228.
Жума кунлари чиқади.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

468-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 8597 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОЕВ.

Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топшириш вақти — 20.00.